Кириш

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, шубҳасиз, жаҳондаги иқтисодиёти ва саноати ривожланган давлатлар қаторига кириб боришимизнинг зарур шарти ва мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилади. Таъбир жоиз бўлса, у бир қудратли локомотив янлиғ иқтисодий ва технология муаммоларини ҳал этиш, юксак малакали кадрлар тайёрлаш, янги ишчи ўринларини яратиш, бир сўз билан айтганда, барча корхоналарни ривожланиш ва тараққиёт сари бошлашга қодирдир.

И.А.Каримов

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг, «Таълим тўғрисида»ги қонунни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни хаётга тадбиқ этилиши билан таълим тизимини такомиллаштириш, фан ва техникани ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилди. Жумладан халқаро талабларга жавоб бера оладиган рақобатбардош мутахасислар тайёрлана бошланди. Бундай мутахасислар тайёрлашда хар бир фаннинг ўз ўрни бор бўлиб, хаёт муаммоларини хал қилишда фанлар ва фанлар орасидаги боғланишлар мухим ахамиятга эга. Хар бир фан математикадан фойдалангандагина мукаммалликка эришиши мумкин эканлигни этиборга олсак, хар бир хаёт масаласининг математик моделини тузиш ва бу моделнинг динамик хоссаларини ўрганиш мухим ахамиятга эга. Бундан ташқари хаёт харакатдан иборат эканлигини эътиборга олсак, ўрганилаётган масаланинг динамик хоссаларидан бири бўлган Турғунлик масаласини ўрганиш зарур эканлигини тушуниш қийин эмас.

Турғунлик сўзи лотинча «stable» сўзидан олинган бўлиб, «мустахкам ўрнатилган», «мустахкам турувчи» деган маънони англатади. Турғунлик назарияси биринчи бўлиб механикадаги қаралаётган система мувозанати холатини ўрганишда пайдо бўлган. 1644 йил Э.Торичелли умумий холда оғирлик кучи таъсири остида бўлган жисмлар системаси мувозанат холатининг турғунлиги критерисини яратди. 1788 йил эса Ж Лагранж ихтиёрий консерватив системалар мувозанат холати турғунлигининг етарли шартларини аниқловчи теоремани исботлади. 19-асрнинг ўрталарига келиб фан ва техникада Турғунликнинг умумий масаласи юзага келди, яъни системанинг фақат мувозанат холати эмас, балки харакат холатининг турғунлиги масаласи пайдо бўлди. 1868 йили К.Максвел, 1876-77 йиллари И.А.Вашнеградский ва бошқа олимлар ўз ишларида юқоридагига ўхшаш масалалрни хал этиш учун харакат турғунлигининг критерийсини аниқлаш кераклигини кўрсатишди. 19-асрнинг охирига келиб харакат турғунлигини умумий холда ўрганиш бошланди. 1877-1881 йилларида Э.ДЖ.Раусс бу сохада биринчи монографияни ёзди.1882 йил эса Н.Е.Жуковский докторлик диссертациясини шу мавзуда ёзди. Бу олимларнинг олган натижалари хозирги кунда хам ўз ахамиятини йўқотган эмас. 1892 йили А.М.Ляпунов «Харакат турғунлигининг умумий масалалари хақида» мавзусидаги докторлик диссертациясини ёқлаб, турғунлик назарияси сохасида янги давр очиб берди. Бунда унинг асосий хизматлари қуйидагилар бўлди:

1. Харакат турғунлигининг қатъий таърифи берилди.
2. Биринчи яқинлашиш бўйича турғунликни текшириш масаласини тўла ечими берилди.
3. Харакат турғунлигини текширишни икки усули берилди.

Харакат турғунлиги назарияси физика, химия, астраномия, биология ва бошқа сохаларда кенг қўлланишга эга бўлиб, техника учун ўта мухим ахамиятга эга.

Система холатини билдирувчи ўзгарувчиларни y_i лар билан белгилаймиз. Бу ўзгарувчилар координаталар, тезликлар, токлар, кучланишлар ва хоказолар ёки шу миқдорларнинг функциялари бўлиши мумкин. Фараз қилайлик ўзгарувчилар сони чекли бўлиб, қаралаётган системанинг харакати биринчи тартибли хосилаларга нисбатан ечилган дифференциал тенгламалар системаси билан ифодалансин

$$\dot{y}_i = Y(t, y_1, y_2, ...y_n)_i, \qquad i = \overline{1, n} \qquad (0.1)$$

бу ерда Y_i функциялар система ечимининг мавжудлик ва ягоналик шартларини қаноатлантиради. Турғунлиги текширилиши керак бўлган харакатни тойимаган харакат деб атаймиз. (1) системанинг хар бир хусусий ечимига битта харакат мос келади ва аксинча. Шунинг учун тойимаган харакатга (1) системанинг

$$t=t_0 \text{ да } y_i=f_i(t_0), \quad i=1,2,..\ n \qquad (0.2)$$

бошланғич шартни қаноатлантирувчи

$$y_i=f_i(t) \quad i=1,2,..\ n \qquad (0.3)$$

хусусий ечими мос келсин деб оламиз. y_i ўзгарувчиларга модули бўйича етарли кичик бўлган орттирмалар бериб, (2) бошланғич шартларни қуйидагича ўзгартирамиз

$$t=t_0 \text{ да } y_i=f_i(t_0)+\varepsilon_i\ , i=1,2,..\ n \qquad (0.4)$$

(0.1) системанинг (0.4) бошланғич шартларидаги ечимига мос харакатларни тойиган харакат деб айтамиз. (0.4) даги орттирмалар эса тойишлар дейилади. Аниқлик учун y_i ўзгарувчиларнинг тойиган харакатга мос келувчи қийматларини $y_i(t)$ билан, тойимаган харакатга мос келувчи қийматларини эса $f_i(t)$ билан белгилаб

$$x_i(t)= y_i(t)-f_i(t), \quad i= 1,2,..,n \qquad (0.5)$$

айирмаларни тузамиз. Бундай аниқланган ўзгарувчилар y_i ўзгарувчиларнинг оғишлари ёки вариациялари дейилади.

Агар барча оғишлар нолга тенг яъни

$$x_i(t)=0, \ i=1,2,..,n \qquad (0.6)$$

бўлса, тойиган харакат тойимаган харакат билан устма-уст тушади. Бунинг геометрик маъноси шуки, n-ўлчовли фазода y_i ўзгарувчилар M нуқтани аниқлайди. Тойиган харакатлар учун M нуқта қандайдир чизиқ чизади. Тойимаган харакатга эса қўзғалмас нуқта, координата боши мос келади. Демак тойиган харакатларни тойимаган харакатлардан оғиши $x_i(t)$, i=1,2,. . .. миқдорлар билан аниқланади. Агар $x_i(t)$ миқдорлар модули бўйича етарли кичик бўлса, у холда уларнинг квадратлари йиғиндиси

$$x_1^2 + x_2^2 + \ldots + x_n^2 = \sum_{i=1}^{n} x_i^2 \qquad (0.7)$$

хам етарли кичик бўлиб, хеч бўлмаганда битта x_i миқдорнинг катталашиши билан (0.7) хам катталашади ва аксинча. Шунинг учун тойиган харакатни тойимаган харакатдан оғиш ўлчови сифатида (0.6) ни олиш мумкин. (0.7) эса M нуқтадан координата бошигача бўлган масофа квадратини ифодалайди. Тойиган харакат таърифидан, (0.4) ва (0.5) дан

$$t=t_0 \text{ да } x_i=x_{0i}v+\varepsilon_i \qquad (0.8)$$

ни хосил қиламиз. Демак оғишларнинг бошланғич қийматлари тойишларни ифодалайди.

Таъриф. Агар ихтиёрий $\varepsilon>0$ сон учун шундай $\delta>0$ сон топиш мумкин бўлсаки, унда

$$\sum_{i=1}^{n} x_{0i}^2 < \delta \qquad (0.9)$$

шартни қаноатлантирувчи барча x_{0i} тойишлар ва ихтиёрий $t>t_0$ лар учун

$$\sum_{i=1}^{n} x_i^2 < \varepsilon \qquad (0.10)$$

шарт бажарилса, тойимаган харакат турғун, акс холда турғунмас дейилади.

Агар тойимаган харакат турғун бўлиб, ихтиёрий тойиган харакатлар етарли кичик тойишларда тойимаган харакатга интилса, яъни

$$\lim_{t\to\infty} \sum_{i=1}^{n} x_i^2 = 0 \qquad (0.11)$$

шарт бажарилса, тойимаган харакат асимптотик турғун дейилади. Лекин бу шартнинг ўзи асимптотик турғунлик учун етарли эмас.

Баъзан турғунлик ихтиёрий тойишларда эмас балки қандайдир шартларга быйсунувчи тойишларда бўлиши мумкин. Бундай турғунлик шартли турғунлик деб аталади.

Тойиган харакат тенгламаларини аниқлаш учун (0.5) дан

$$y_i(t)=f_i(t)+x_i(t),\ i=1,..n.$$

ларни аниқлаб, (0.1) га олиб бориб қўямиз ва қуйидагиларни хосил қиламиз

$$\frac{df_i}{dt}+\frac{dx_i}{dt}=Y_i(f_1+x_1,....,f_n+x_n,t), \qquad i=\overline{1,n}$$

Бу тенгламаларнинг ўнг томонларини x_i ларнинг даражалари бўйича Тейлор қаторига ёйамиз.

$$\frac{df_i}{dt}+\frac{dx_i}{dt}=Y_i(f_1,....,f_n,t)+\left(\frac{dY_i}{dx_1}\right)_0 x_1+....+\left(\frac{dY_i}{dx_n}\right)_0 x_n+X_i^*,$$

бу ерда $X_i^*-x_i$ о\ишларнинг бирдан юқори бўлган даражаларига боғлиқ хадлари йиғиндиси.

Бундан, $f_i(t)$ функциялар (0.1) ни қаноатлантиришини эътиборга олиб, қуйидагини хосил қиламиз.

$$\frac{dx_i}{dt}=a_{i1}x_1+a_{i2}x_2+....+a_{in}x_n+X_i^*, \qquad i=\overline{1,n} \qquad (0.12)$$

бу ерда $a_{ij}=\left(\frac{dY_i}{dx_j}\right)_0$, $i,j=\overline{1,n}.$ (0.12) тойиган харакат тенгламаларининг ўнг томонидаги хадларини X_i билан белгилаб, автоном бўлмаган тойиган харакат тенгламалари учун

$$\frac{dx_i}{dt}=X_i(x_1,x_2,....,x_n,t) \qquad i=\overline{1,n} \qquad (0.13)$$

ни, автоном тойиган харакат тенгламалари учун эса

$$\frac{dx_i}{dt}=X_i(x_1,x_2,....,x_n) \qquad i=\overline{1,n} \qquad (0.14)$$

ни хосил қиламиз.

Қулайлик учун тойиган харакат тенгламалари содда қилиб система деб аталади.

Шунинг учун (0.13) автоном бўлмаган, (0.14) автоном системалар дейилади..

(0.13) ва (0.14) тенгламаларни вектор кўринишда мос равишда қуйидагича ёзиш мумкин.

$$\dot{x} = X(x,t) \qquad (0.13'), \quad \dot{x} = X(x) \qquad (0.14')$$

Тойиган харакат тенгламаларининг натижаларидан кўринадики, X_i–функциялар x=0 да нолга айланади

$$X_i(0,t)=0, \quad X(0)=0 \qquad (0.15)$$

Тойиган харакат тенгламаларининг ўнг томони М нуқта тезлиги проекцияларига тенг.

20 асрнинг ўрталарига келиб кўплаб дифференциал тенгламалар назарияси билан шуғулланувчи олимларнинг эътборини хосила олдида етарли кичик параметр қатнашган дифференциал тенгламалар ўзига торта бошлади. Бундей қизиқишни пайдо бўлишига асосий сабаб шуки, бу пайтга келиб автоматик регулирования, чизиқсиз тебранишлар назарияси, квант механгикаси, газ динамикаси кинетика ва бошқа шу каби сохалар тез ривожланиб,улардаги жараёнлар хосила олдида етарли кичик параметр қптнашган дифференциал тенгламалар ёрдамида моделлаштирилди.

Бундай дифференциал тенгламаларни ўрганишдаги асосий қийинчилик шундаки, агар етарли кичик, параметрининг қийматини нолга тенг деб олсак, тенгламанинг тартиби пасайиб, хосил бўлган тенглама берилган тенгламага қўйилган қўшимча шартларнинг барчасини хам қаноатлантиравермайди. Шунинг учун бундай типдаги тойишлар сингуляр-тойигандеган маънони англатади.

Юқори тартибли хосила олдида етарли кичик параметр қатнашган дифференциал тенгламалар назарияси унчалик кекса эмас. Биринчи бўлиб, А.Прендтль 1904 йили гидродинамикада чегаравий қатламлар назариясини ривожлантириб, сингуляр-тойиган масалаларни ўрганишга ўз эътиборини қаратди. Сингуляр-тойиган масалалар кейинчалик механика, физика, техникада пайдо бўлди. Масалан: 1920 йилларда Б.Ван-дер Поль томонидан радиотехника приборларидаги релакциацион тебранишларни ўрганиш натижасида

$$\frac{d^2x}{dt^2} + \lambda(-1+x^2)\frac{dx}{dt} + x = 0 \qquad (0.16)$$

Ван-дер-Поль тенгламаси хосил бўлди. Бу ерда етарли кичик параметр

$$\lambda = \frac{f'(0)M - RC}{\sqrt{LC}} > 0$$

Бўлиб, f(0)-монотон ўсувчи силлиқ функция, лампанинг характеристикасини ифодалайди, L- индуктивлик, C- сиғим, R- қаршилик, $R < \frac{M}{C} f'(0)$.

Аммо бундай масалаларни хал қилишда ягона математик усул мавжуд бўлмай, уларнинг хар бири алохида алохида қараб чиқилар эди. Бундай назария 1948 1952 йилларда А.Н.Тохонов томонидан ишлаб чиқилди.

Хозирги кунга келиб, юқори тартибли хосила олдида етарли кичик параметр қатнашган тенгламаларга доир кўплаб ишлар қатор олимлар томонидан бажарилган. Масалан, А.Б. Васильева, В.Ф. Бутузов, И.С.Градсшейн, Л.Т.Груич, А.А.Мартынюк, Ю.А.Митрополскиой, Ю.А.Рябов, А.М. Самойленко, А.Н.Тихонов, В.И.Фодчук, Н.Г.Четаев ва бошқаларнинг ишлари.

Хар хил механик системалар динамик хоссаларини ўрганишдаги асосий масалалардан бири харакат турғунлиги масаласидир. Бу масала дифференциал тенгламалар системаси ечимининг турғунлиги масаласи билан устма-уст тушади. Харакат турғунлигини ўрганишнинг иккита усули 1892 йили А.М.Ляпунов томонидан яратилган бўлиб, унинг иккинчи усули, “Ляпуновнинг тўғри усули” деб аталувчи усули амалий масалаларда турғунлик масалаларини ечишда эффективдир. Аммо аниқ системалар учун Ляпунов функциясини қуриш алгоритимининг мавжуд эмаслиги, айниқса чексиз системаларга бу усулни қўллашни қийинлаштиради. Хосила олдида етарли кичик параметр қатнашган тенгламалар системасига Ляпунов усулларини қўллаш мумкин эмаслигига биринчи бўлиб Н.Г.Четаев эътибор берди.

А.И.Климушев ва Н.Н.Красовскийларнинг ишларида етарли кичик параметрни нолга тенг деб олганда хосил бўлган тенглама текис асимптотик турғунлиги ва қандайдир ёрдамчи система асимптотик турғунлиги асосида хосила олдида етарли кичик параметрларни сақловчи дифференциал тенгламалар системасининг текис асимптотик турғунлиги исботланади. Масала Ляпунов функцияси усули ёрдамида ечилади. Бу ишда исботланган теорема чизиқли холатда Б.С.Разумихин тоомнидан исботланган теоремани умумлаштиради. Аммо бу ишда етарли кичик параметр ўзгаришининг юқори чегарасининг қуйи бахоси кўрсатилмаган.

1962 йили В.М.Матросов С.А.Чаплигин ва Т.Важевский типидаги дифференциал тенгсизликларни қаноатлантирувчи бир нечта Ляпунов функцияларидан фойдаланишни таклиф этди. Бу усул Р.Бельман томонидан Ляпуновнинг вектор функцияси усули деб номланди. Шуни айтиб ўтиш керакки, Ляпунов вектор функцияси копоненталарига Ляпунов скаляр функциясига қўйилган талаблардан енгилроқ талаблар қўйилган бўлиб, мураккаб системалар учун Ляпунов функциясини қуришни енгиллаштиради.

Ляпунов вектор функцияси ёрдамида Л.Т. Груйич секин ва тез харакат дифференциал тенгламалар қисм системалари текис асимптотик турғунлигига асосан хосила олдида етарли кичик параметрни сақловчи дифференциал тенгламалар системаси нол ечимининг текис асимптотик турғунлиги, тўла маънодаги текис асимптотик турғунлиги хақидаги теоремаларни исботлади. Унинг ишларида етарли кичик параметр мумкин мумкин бўлган ўзгариши юқори чегарасининг қуйи бахоси кўрсатилган, мисол сифатида Лурье Постников системаси типидаги сингуляр-тойиган системаларнинг абсолют турғунлиги масаласи қараб чиқилган.

1979 йили А.А.Мартынюк томонидан Ляпунов матрица-функцияси тушунчаси киритилди. Бу тушунчани киритилиши, қаралаётган дифференциал тенгламалар системасидаги эркин қисм системалар орасидаги ўзаро боғланишларни алохида қараб чиқиш имконини беради. Маълумки, хар қандай йирик масштабли системалар бир нечта эркин қисм системалардан ташкил топган бўлади. Бу система учун Ляпунов функциясини тузиш учун хар бир қисм система учун Ляпунов функциясини тузиб, бу функцияларни матриканинг бош диоганалига жойлаштирамиз, матриканинг бош диоганалида ётмаган элементларни эса қисм системалар орасидаги боғланишларга қараб танлаймиз. Сўнгра хосил бўлган матрица-функцияни ўнг ва чап томонлан ўзганмас векторга кўпайтириб изланган Ляпунов скаляр функциясини тузамиз. Қаралаётган система мувозанат холати турғунлигининг етарли шартлари махсус матрицаларнинг ишораларини аниқлаш билан хосил қилинади.

Ушбу магистрлик дисертациясининг мақсади Ляпунов матрица–функцияси усули ёрдамида сингуляр тойиган системалар турғунлигини текширишдан иборат бўлиб, кириш, 3 та боб ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Кириш қисмида турғунлик тарихи, турғунлик тушунчаси тойиган харакат тенгламалари ва диссертациянинг қисқача мазмуни баён қилинган.

I-боб ёрдамчи характерга эга бўлиб, унда динамик системалар турғунлигини текширишда эффектив бўлган Ляпуновнинг тўғри усули хақида сўз юритилади. Бу боб иккита параграфдан иборат бўлиб, биринчи параграфда Ляпуновнинг тўғри усули, иккинчи параграфда эса Ляпуновнинг матрица–функцияси усули мохияти ёритиб берилган. Хар бир параграфда мисоллар келтирилган.

II-бобда структурали тойишда сингуляр тойиган йирик масштабли системаларни турғунлигини матрица-функция асосида Ляпуновнинг тўғри усули ёрдамида текшириш масаласи ўрганилади. Бу ерда асосий ғоя “тез” ва “Секин” қисм системаларини матрица-функциянинг диоганалидаги элементларига мос келишидир. Матрица-функциянинг диоганалда бўлмаган элементлари қисм системалар орасидаги боғланишни англатади. $\mu_\iota \to 0$ да матрица-функция компоненталарига мос келувчи махсус структкрали система хосил бўлади. Йирик масштабли сингуляр-тойиган система турғунлиги (турғунмаслиги)нинг етарли шартлари аниқ ишорали махсус матрица кўринишида тасвирланади. Бу боб учта параграфдан иборат бўлиб, биринчи параграфда сингуляр-тойиган йирик масштабли система декомпозиция қилинади. Иккинчи парагарафда, сингуляр-тойиган системаниниг турғунлик шартлари келтириб чиқарилади. Учинчи парагрфда эса сингуляр-тойиган йирик масштабли ситеманинг турғунмаслик шартлари топилган.

III-боб иккита параграфдан иборат бўлиб, биринчи параграф умумий теоремаларни чизиқли тойиган системаларга тадбиғига бағишланган. Иккинчи парагрфда иккинчи бобдаги натижаларни Лурье типидаги сингуляр-тойиган йирик масштабли система структурали турғунлигини текширишга тадбиқи кўриб чиқилади. Параграф сўнгида Лурье типидаги учта қисм ўзаро боғлиқ сингуляр-тойиган системаларга ажратилган 12 чи тартибли системани сонли мисол тарзида кўриб чиқамиз.

I-боб

Динамик системалар турғунлигининг етарли шартларини хосил қилиш усуллари.

Динамик системалар турғунлигининг етарли шартларини хосил қилиш хаётнинг мухим масалаларидан биридир. Аммо айрим системалар учун бу масала мураккаб масалалар туркумига киради. Шунинг учун бу масалани хал қилишда, яъни Турғунликни текширишда бир қанча усуллар ишлаб чиқилган. Хар бир маслани турғунлигини текширишда бирор усул қулай, бошқа бир усул эса ноқулай бўлиши мумкин. Биз динамик системалар турғунлигининг етарли шартларини хосил қилиш учун умумийроқ бўлган Ляпуновнинг тўғри усули ва Ляпунов матрица–функцияси усулини қараб чиқамиз.

§ 1. Ляпуновнинг тўғри усули.

Ляпуновнинг тўғри усулини ўрганишни

$$\sum_{i=1}^{n} x_i^2 \le M, \qquad M > 0, \qquad M = const \tag{1.1}$$

сохада аниқланган

$$V(x)=V(x_1,x_2,..,x_n)$$

хақиқий функцияни қарашдан бошлаймиз. Бу функция (1.1) сохада бир қийматли, узлуксиз ва x=0 да нолга айланади, яъни

$$V(0)=0 \tag{1.2}$$

Агар V функция (1.1) сохада нолдан бошқа фақат бир хил ишорали қийматларни қабул қилса, у холда у ўзгармас ишорали (мос равишда мусбат ёки манфий) дейилади. Агар ўзгармас ишорали функция фақат x=0 дагина нолга айланса, у холда бу функция аниқ ишорали (мос равишда мусбат аниқланган ёки манфий аниқланган) дейилади. Хам мусбат хам манфий қийматларни қабул қиладиган функциялар эса ўзгарувчи ишорали функциялар дейилади.

Харакат турғунлигини аниқлаш учун ишлатиладиган, бундай киритилган функциялар Ляпунов функциялари дейилади.

Агар қаралаётган хақиқий функция V(x,t) ошкор холатда t вақтга боғлиқ бўлса, у холда (1.1) соха ўрнига

$$t\ge 0,\ \sum_{i=1}^{n} x_i^2 \le M, \quad M = const,\ t_0 = const, t_0 > 0, \quad M > 0 \tag{1.3}$$

соха қаралиб, (1.2) шарт

$$V(0,t)=0 \tag{1.4}$$

шарт билан алмаштирилади.

Агар (1.3) сохада аниқланган, узлуксиз ва (1.4) шартни қаноатлантирувчи V(x,t) функция етарли катта t_0 ва етарли кичик M>0 учун нолдан бошқа фақат бир хил ишорали қийматлар қабул қилса, бу функцияни ўзгармас ишорали деймиз.

Ошкор щолда t вақтга боғлиқ бўлган V(x,t) функция учун t вақтга боғлиқ бўлмаган w(x) мусбат аниқланган функция мавжуд бўлиб, етарли катта t_0 ва етарли кичик M учун (1.3) сохада

$$V(x,t)\ge w(x) \tag{1.5}$$

шарт бажарилса, бу функция мусбат аниқланган

$$-V(x,t)\ge w(x) \tag{1.6}$$

шарт бажарилса, манфий аниқланган дейилади.

Бу айтилганлардан кўринадики, x=0 нуқтада мусбат аниқланган функция минимумга, манфий аниқланган функция максимумга эга бўлади. Ўзгармас ишорали функциялар эса экстремумга эга былмайди.

Мисол 1.1.

$V=x_1^2+x_2^2$ функция x_1 ва x_2 ўзгарувчиларнинг ихтиёрий нолдан фарқли қийматларида мусбат бўлиб, фақат $x_1=x_2=0$ дагина нолга айланади. Бундан кыринадики, бу функция мусбат аниқланган.

$0x_1x_2V$ фазода бу функциянинг графиги $0x_1x_2$ текисликнинг бир томонида ётиб, бу текисликка фақат 0 нуқтадагина уринади.

Мисол 1.2.

$V=x_1^2-2x_1x_2+x_2^2=(x_1-x_2)^2$ манфий қийматларни қабул қилмайди, аммо координата бошидан ташқари $x_1=x_2$ тўғри чизиқда хам нолга айланади. Шунинг учун бу функция мусбат, лекин мусбат аниқланган эмас.

Бу холатда $V=(x_1-x_2)^2$ функциянинг $0x_1x_2V$ фазодаги графиги $0x_1x_2$ текисликнинг бир томонида ётади, аммо бу текисликка фақат координата бошида эмас, балки $x_1=x_2$ тўғри чизиқ бўйича уринади.

Энди ишораси аниқланган V функцияни Маклорен қаторига ёйамиз.

Ишораси аниқланган функция таърифидан V(0)=V(0,t)=0 бўлиб, координата бошида бу функция экстремумга эга бўлгани учун $\left(\frac{\partial V}{\partial x_i}\right)_0 = 0 \qquad i = 1,2,.....,n$ бўлиб ёйилма

$$V = \frac{1}{2}\sum_{k=1}^{n}\ \sum_{i=1}^{n} c_{ki}x_k x_i + ... \tag{1.7}$$

кўринишида бўлади, бу ерда

$$c_{ki} = \left(\frac{\partial^2 V}{\partial x_k \partial x_i}\right)_0 \tag{1.8}$$

(1.7) дан кыринадики , V ишораси аниқланган функцияни $x_1,x_2,..,x_n$ ўзгарувчиларнинг даражалари бўйича қаторга ёйилмасида биринчи даражали хадлар қатнашмайди.

Фараз қилайлик

$$\frac{1}{2}\sum_{k=1}^{n}\ \sum_{i=1}^{n} c_{ki}x_k x_i, \quad c_{ik} = c_{ki} \tag{1.9}$$

квадратик форма фақат $x_1=x_2=..=x_n=0$ дагина нолга айланиб, мусбат қийматларни қабул қилсин. У холда (1.7) дан кыринадики, V функция x_i ларнинг етарли кичик қийматларида юқори тартибли хадларга боғлиқ бўлмаган холда мусбат қийматларни қабул қилиб, $x_1=x_2=..=x_n=0$ дагина нолга айланади. Шунинг учун (1.9) квадратик форма мусбат аниқланган бўлса V функция хам мусбат аниқланган бўлади.

Агар (1.3) шартларда $|V(x,t)|$ нинг қиймати қандайдир чекли мусбат сондан ортиб кетмаса, V(x,t) функция юқоридан чегараланган дейилади. Ихтиёрий вақтга ошкор холда боғлиқ бўлмаган V(x) функциялар узлуксиз бўлгани учун M нинг етарли кичик қийматларида у юқоридан чегаралангандир.

V чегараланган функция чексиз кичик юқори лимитга йўл қўйади дейилади, агарда ихтиёрий ε> 0 учун

$$t \ge t_0, \qquad \sum_{k=1}^{n} x_k^2 < \delta \qquad (1.10)$$

шартларни қаноатлантирувчи δ>0 топилиб

$$|V| < \varepsilon \qquad (1.11)$$

бўлса, қўпол қилиб айтганда чексиз кичик юқори лимитнинг маъноси шуки V(x,t) функция модулини ихтиёрий $t \ge t_0$ да барча x_i ларнинг модулларини камайтириш хисобига керагича кичик қилиб олиш мумкин, t вақтга ошкор холда боғлиқ бўлмаган V(x) функциялар чексиз кичик юқори лимитга эга бўлади.

Мисол учун қуйидаги функцияларни қараймиз:

1) $\sin^2[(x_1^2+....+x_n^2)t]$
2) $(x_1^2+.. ..+x_n^2)\sin^2 t$
3) $t(x_1^2+.. ..+x_n^2)-2\cos t x_1 x_2$

Бу функцияларнинг 1) ва 2) лари чегараланган ва мусбат аммо улардан фақат 2 чиси чексиз юқори лимитга йўл қўяди. Бу иккала функция хам аниқ ишорали эмас, чунки улар t нинг чексиз кып қийматларида нолга айланади, 3) функция эса мусбат аниқланган, аммо у чегараланмаган, шунинг учун чексиз кичик юқори лимитга эга эмас.

Нихоят V(x) ва V(x,t) функциялардан

$$\frac{dx_i}{dt} = x_i(x_1, x_2, ..., x_n) \qquad ва \qquad \frac{dx_i}{dt} = x_i(x_1, x_2, ..., x_n, t) \qquad i = 1,2,..n$$

Системалар ёрдамида олинган хосилалар мос равишда

$$V(x) = \frac{\partial V}{\partial x_1} x_1 + ... + \frac{\partial V}{\partial x_n} x_n \qquad (1.12)$$

$$V(x) = \frac{\partial V}{\partial x_1} x_1 + ... + \frac{\partial V}{\partial x_n} x_n + \frac{\partial V}{\partial t} \qquad (1.13)$$

кўринишида бўлади. (1.9) квадратик форманинг коэфициентларидан тузилган

$$C = \begin{bmatrix} c_{11}\ c_{12}\ ....c_{1n} \\ c_{21}\ c_{22}.....c_{2n} \\ ...\ ..\ .... \\ c_{n1}\, c_{n2}\ .....c_{nn} \end{bmatrix} \qquad , c_{ki} = c_{ik} \qquad (1.14)$$

квадратик матрицани қараймиз ва унинг бош диоганали минорларини тузиб чиқамиз.

$$\Delta_1 = c_{11}, \quad \Delta_2 = \begin{bmatrix} c_{11} & c_{12} \\ c_{21} & c_{22} \end{bmatrix}, ..., \Delta_n = |c| \qquad (1.15)$$

Агар c_{ki} i,k=1,2,..,n ўзгармас сонлар бўлса, чизиқли алгебрада исботланган Сильвестр критерийси ўринли.

Сильвестр критерийси. Хақиқий коефициентли квадратик форма мусбат аниқланган бўлиши учун унинг коэфициентларидан тузилган квадратик , симметрик матрицанинг барча бош диоганали минорлари $\Delta_1, \Delta_2.., \Delta_n$ ларнинг мусбат бўлиши , яъни

$$\Delta_1>0,\Delta_2>0,...\Delta_n>0 \qquad (1.16)$$

бўлиши зарур ва етарлидир.

Агар V функция манфий аниқланган бўлса, -V функция мусбат аниқланган бўлади ва (1.16) шартлар

$$\Delta_1<0,\Delta_2>0,...\Delta_{2k-1}<0,\ \Delta_{2k}>0 \qquad (1.17)$$

кўринишини олади.

Агар $c_{ki}=c_{ki}(x,t)$ кўринишида бўлса, (1.16) ва (1.17) шартлар мос равишда

$$\Delta_1 = c_{11} \geq \delta_1 > 0,\ .....,\Delta_n = |c| \geq \delta_n > 0 \qquad (1.18)$$

$$\Delta_1 \leq \delta_1 < 0,\ .....,\Delta_{2k-1} \leq -\delta_{2k-1} < 0, \Delta_{2k} \geq \delta_{2k} > 0 \qquad (1.19)$$

кўринишни олади. Бу ерда $\delta_1, \delta_2, ..., \delta_n$ -мусбат сонлар.

Мисол: 1.3. $V(x)= 1+\sin^2 x_1-\cos(x_1-x_2)$ функцияни қарайлик. Уни x_1 ва x_2 ларнинг даражалари бўйича қаторга ёйиб

$$V = \frac{1}{2}(3x_1^2 - 2x_1x_2 + x_2^2) + ...$$

ни хосил қиламиз. V функция квадрат қисмининг матрицаси $\begin{bmatrix} 3 & -1 \\ -1 & 1 \end{bmatrix}$ бўлиб, бу матрицанинг бош диоганали минори $\Delta_1 = 3 > 0,\ \Delta_2 = \begin{bmatrix} 3 & -1 \\ -1 & 1 \end{bmatrix} = 2 > 0$ Силвестр критерийсига асосан V функция нол нуқта атрофида мусбат аниқланган аммо тўла текисликда мусбат аниқланган эмас, балки фақат мусбат функциядир, чунки у $x_1=x_2=0$ дан бошқа $x_1=x_2=n\pi$ (1,2,..,n) да хам у нолга айланади.

Мисол 1.4. $V(x,t)= t(x_1^2+x_2^2)-2\cos t x_1x_2$

функцияни қарайлик. Бу функция коэффициентларидан тузилган матрица $\begin{bmatrix} t & -\cos t \\ -\cos t & t \end{bmatrix}$ бўлиб, унинг бош диоганал минорлари

$$\Delta_1=t,\ \Delta_2=t^2-\cos^2 t$$

Агар $t_0=1$ десак, у холда барча $t>1$ учун $\Delta_1 \geq 1 > 0, \Delta_2 \geq 1 - \cos^2 1 \approx 0{,}71 > 0$ бўлиб , Сильвестрнинг умумлашган критерийсидаги шартлар, яъни (1.18) шартлар бажарилади. Шунинг учун қаралаётган функция мусбат аниқланган.

Теорема 1.1 (Ляпуновнинг харакат турғунлиги хақидаги теоремаси) Агар тойиган харакат дифференциал тенгламаси учун аниқ ишорали V функция топиш мумкин бўлиб. Бу функциядан шу тенгламалар ёрдамида олинган хосила $\dot{V}$ функция V функцияга қарама-қарши ишорали бўлган ўзгармас ишорали ёки айнан нолга тенг бўлса, у холда тойимаган харакат турғун бўлади.

Исбот. Ихтиёрий етарли кичик мусбат ε> 0 сонни танлаб, $\sum_{i=1}^{n} x_i^2 = \varepsilon$ сферани ясаймиз. Кейин шу ε сферанинг ичида ётувчи V=c сиртни қурамиз. Буни доим қилиш мумкин, чунки V функция узлуксиз ва координата бошида нолга тенг. Энди δ ни шундай танлаймизки, унда $\sum_{i=1}^{n} x_i^2 = \delta$ сфера V=c сиртни ичида тўлалигича ётиб, у билан умумий нуқтага эга былмасин δ сфера ичида харакат бошлаган М нуқта хеч қачон ε сферага етиб бормаслигини кўрсатамиз. Умумийликни бузмасдан V функцияни мусбат аниқланган деб хисоблашимиз мумкин.

Теорема шартига кўра $\dot{V} \le 0$. У холда $V - V_0 = \int_{t_0}^{t} \dot{V}\, dt$ тенгликка асосан $V - V_0 \le 0 \quad ёки \quad V \le V_0$ га эга бўламиз. Бу тенгсизликдан кўринадики , $t=t_0$ да М нуқта $V=V_0=c_1$ сиртда (агар $\dot{V} \equiv 0$ бўлса) ёки бу сиртнинг ичида (агар $\dot{V} < 0$ бўлса) ётади.

Теорема 1.2. (Ляпуновнинг асимптотик турғунлик хақидаги теоремаси) Агар тойиган харакат дифференциал тенгламаси учун аниқ ишорали V функция топиш мумкин бўлиб, бу функциядан шу тенгламалар ёрдамида олинган хосила $\dot{V}$ функция, V функцияга қарама-қарши ишорали бўлган, аниқ ишорали функциядан иборат бўлса, у холда тойимаган харакат асимптотик турғун бўлади.

Исбот. Теореманинг шартлари бажарилганда турғунлик хақидаги Ляпунов теоремасининг хам хамма шартлари бажарилади. Шунинг учун харакатланаётган нуқта $V=c_1$ сиртдан ташқарига чиқиб кетмайди. Аммо асимптотик турғунлик хақидаги Ляпунов теоремасидаги шарт кучлирок яъни $\dot{V}$ хосила айнан нолга тенг бўлмай, фақат координата бошидагина нолга айланади. Шунинг учун М нуқта харакат бошланиши биланоқ $V=c_1$ сиртнинг ичига киради.

Умумийликни бузмасдан V функцияни мусбат аниқланган деб хисоблаш мумкин. Теореманинг шартига кыра унинг хосиласи $\dot{V}$ манфий аниқланган бўлади. $\dot{V} = \frac{dV}{dt} < 0$ тенгсизликдан V функцияни мусбатлигича қолиб, монотон камайиши келиб чиқади. Бунинг маъноси шуки V функция $c_2>0$ лимитга эга. Бошқача айтганда М нуқта ташқи томондан $V=c_2$ лимитик сиртга интилади. $c_2=0$. Яъни $V=c_2$ сирт координата бошига айланишини кўрсатамиз.



2–расм

Фараз қилайлик $c_2 \neq 0$ у холда $V=c_1$ ва $V=c_2$ сиртлар билан чегараланган ёпиқ сохада теорема шартига кўра $\dot{V}$ манфий бўлади, e(e>0) билан унинг шу сохадаги аниқ юқори чегарасини белгиласак, $\dot{V}$ фақат координата бошидагина нолга айлангани учун $e \neq 0$ бўлади. Аниқ юқори чегарасини таърифга кўра $\dot{V} \le -e \qquad V - V_0 = \int_{t_0}^{t} \dot{V} dt$ айниятдан фойдаланcак, $V = V_0 + \int_{t_0}^{t} \dot{V} dt$ бўлиб, $\dot{V} \le -e \quad дан \quad V \le V_0 + \int_{t_0}^{t} edt$ хосил бўлади.

Бундан $V \le V_0 - e(t - t_0)$. Бу тенгсизликдан кыринадики, вақт ўтиши (ортиши) билан V функция манфий бўлади, бунинг бўлиши мумкин эмас, чунки теореманинг шартига кўра V функция–мусбат аниқланган. Бу қарама-қаршилик $c_2 \neq 0$ деган фаразни инкор этади, яъни $c_2=0$ бўлиб, харакатланаётган нуқта координата бошига асимптотик интилади. Бу эса теоремани исботлайди.

Мисол 1.5. Тойиган харакат тенгламаси қуйидаги кўринишда бўлсин.

$$\dot{x}_1 = -x_2 + x_1 x_2 - x_1^3 - \frac{1}{2} x_1 x_2^2$$

$$\dot{x}_2 = -3x_2 + x_1 x_2 - x_1^2 - \frac{1}{2} x_1 x_2^2$$

Ляпунов функцияси

$$V = \frac{1}{2}(3x_1^2 - 2x_1 x_2 + x_2^2)$$

кўринишда бўлиб, у мусбат аниқланган чунки Сильвестр критерийси шартлари бажарилади. Бу функциянинг қаралаётган система ёрдамидаги хосиласини хисоблаб, қуйидагини хосил қиламиз.

$$\dot{V} = -3x_1^4 + 2x_1^2 x_2 - 2x_2^2$$

x^2_1 ва x_2 ларни ўзгарувчи деб , бу функциянинг матрицасини тузамиз $\begin{bmatrix} -3 & 1 \\ 1 & -2 \end{bmatrix}$ Бундан

$\Delta_1=-3<0$ $\Delta_2=\begin{vmatrix} -3 & 1 \\ 1 & -2 \end{vmatrix}=5>0$ Демак, $\dot{V}$ функциянинг манфий аниқланган бўлишлигини барча шартлари бажарилади, яъни Ляпуновнинг асимптотик турғунлик хақидаги теоремасига асосан $x_1=x_2=0$ тоймаган харакат асимптотик турғун бўлади.

Ляпуновнинг асимптотик турғунлик хақидаги теоремасида V функция ва унинг $\dot{V}$ хосиласига жуда юқори талаблар қўйилади. Н.Н.Красовский $\dot{V}$ хосилага қўйилган талабни бир оз кучсизлантириш мумкин эканлигини кырсатади.

V(x) функциядан $\dfrac{dx_i}{dt} = x_i(x_{1,} x_2 ..., x_n) \quad i = 1,2,...,n$ система ёрдамида олинган $\dot{V}$ (x) хосила аниқ ишорали эмас, балки ўзгармас ишорали бўлсин. K орқали (1.1) сохадаги координата бошидан бошқа $\dot{V}=0$ бўладиган нуқталар кыпхиллигини белгилаймиз. K-кўпхиллик сирт, чизиқ ёки уларнинг комбинациясидан иборат бўлиши мумкин.

Теорема 1.3.(Красовский теоремаси):

Агар $\frac{dx_i}{dt} = x_i(x_{1,}x_2...,x_n) \quad i = 1,2,...,n$ тойиган харакатнинг дифференциал тенгламаси учун (1.1) сохада мусбат аниқланган V функция мавжуд бўлиб, унинг хосиласи шу сохада қуйидаги икки шартни қаноатлантирса,

1. К дан ташқарида $\dot{V}$ <0

2. К да $\dot{V}$ =0, К-нуқталар кўпхиллиги бўлиб,

0<t<∞ да системанинг бутун траекториясини ўзида сақламайди. У холда тойимаган харакат асимптотик турғун бўлади.

Мисол 1.6. Тойиган харакат тенгламаси қуйидаги кўринишда бўлсин.

$$\dot{x}_1 = -x_1 + 3x_2^2, \qquad \dot{x}_2 = -x_1 x_2 - x_2^3$$

Шундай мусбат аниқланган

$$V = \frac{1}{2}(x_1^2 + x_2^2)$$

функцияни оламизки бу функциядан юқоридаги система ёрдамида олинган хосиласи қуйидагича бўлади

$$\dot{V} = -(x_1 - x_2^2)^2$$

$\dot{V}$ хосила манфий аниқланган эмас, балки манфий холос, шунинг учун унга Ляпуновнинг асимптотик турғунлик хақидаги теоремасини қўллаб бўлмайди. Красовский теоремасини қўллаш учун эса К кыпхилликни $\dot{V}$ хосилани нолга тенглаб аниқлаймиз:

$$\dot{V} = -(x_1 - x_2^2)^2 = 0 \qquad ёки \qquad F = x_1 - x_1^2 = 0$$

Бу Ox_1x_2 текисликда параболани ифодалайди. F–кўпхиллик бутун траекторияларни ўзида сақламаслигини кўрсатамиз.

Бунинг учун

$$\dot{x}_1 \frac{\partial F}{\partial x_1} + \dot{x}_2 \frac{\partial F}{\partial x_2} \neq 0$$

эканлигини кўрсатамиз. К да $x_1 = x^2_2$ эканлигидан

$\dot{x}_1 \frac{\partial F}{\partial x_1} + \dot{x}_2 \frac{\partial F}{\partial x_2} = (-x_1 + 3x_2^2) + (-x_1 x_2 - x_2^3)(-2x_2) = 2x_2^2 + 4x_2^4$ бу ифода $x_2=0$ дан бошқа нуқталарда нолга айланмайди. Шунинг учун

$F = x_1 - x_2^2 = 0$ тўплам бутун траекторияларни ўзида сақламайди. Демак, Красовский теоремасининг хамма шартлари бажарилади.

1. V функция мусбат аниқланган.
2. $\dot{V}$ функция нолга К да тенг бўлиб, К дан ташқарида манфий.
3. К кўпхиллик бутун траекторияларни ўзида сақлайди, яъни

   қаралаётган харакат асимптотик турғун бўлади.

Ляпунов ва Красовский теоремалари асимптотик турғунликнинг кичик бошланғич тойишлардаги етарли шартларини ифодалайди. Е.А.Барбашин ва Н.Н.Красовскийлар томонидан яратилган қуйидаги теорема асимптотик турғунликнинг ихтиёрий бошланғич тойишлардаги етарли шартларни аниқлайди.

Теорема 1.4.(Барбашин-Красовский теоремаси): Агар тойиган харакат дифференциал тенгламаси учун

$$\lim_{x\to\infty} V(x) = \infty \qquad (*)$$

шартни қаноатлантирувчи мусбат аниқланган V(x) функция мавжуд бўлиб, ундан бу тенгламалар ёрдамида олинган хосиласи барча x ларда қуйидаги иккита шартларни қаноатлантирса, у холда x=0 тойимаган харакат тўла маънода турғун бўлади.

1. К дан ташқарида $\dot{V}$ <0

2. К да $\dot{V}$ =0

Бу ерда К-системани 0<t< ∞ даги бутун траекториясини

ўзида сақламайдиган кўпхиллик. (∗) шарт хеч бўлмаганда битта x_k координата чексизликка интилишини кырсатади.

Мисол 1.7. Тойиган харакат тенгламаси қуйидаги кўринишда бўлсин

$$\dot{x} = -\frac{2x}{(1+x^2)^2} + 2y$$

$$\dot{y} = -\frac{2x}{(1+x^2)^2} + \frac{2y}{(1+x^2)^2}$$

мусбат аниқланган $V = \frac{x^2}{1+x^2} + y^2$ функцияни олсак, унинг берилган харакат тенгламаси ёрдамида хисобланган хосиласи

$$\dot{V} = -4\left[\frac{x^2}{(1+x^2)^4} + \frac{y^2}{(1+x^2)^4}\right]$$

бўлиб, барча (x,y) текисликда манфий аниқланган.

Ляпунов теоремасига асосан x=0,y=0 тойимаган харакат кичик бошланғич тойишларда асимптотик турғун бўлади. Аммо бунда Барбашин-Красовский теоремасини қўллаб бўлмайди, чунки (∗) шарт бажарилмайди. Ха=и=итан, x→∞ ва y=const бўлганда V функция чексизликка эмас, балки $1+a^2$ га интилади, яъни юқоридаги мисол тўла маънода турғун бўла олмайди.

Мисол 1.8. Энди тойиган харакат тенгламаси қуйидагича бўлган системани қарайлик.

$$\begin{cases} \dot{x} = -x^3 + y \\ \dot{y} = -x - y^3 \end{cases}$$

Бу система учун $V = \frac{1}{2}(x^2 + y^2)$ функцияни олсак, бу функция мусбат аниқланган бўлиб, унинг хосиласи $\dot{V} = -x^4 - y^4 = -(x^4 + y^4) < 0$ манфий аниқланган. Бундан ташқари

$\lim\limits_{x\to\infty} V = \infty$ бўлгани учун Барбашин-Красовский теоремасига асосан системанинг x=y=0 ечими тўла маънода турғун.

§ 2 Ляпуновнинг матрица-функцияси усули

Ляповдан кейин олимлар (Н.Г.Четаев, И.Г.Малкин, Н.Н.Красовский, В.М.Матросов, А.А.Мартынюк ва бошқалар) томонидан Ляпуновнинг тўғри усули ривожлантирилди ва такомиллаштирилди. Жумладан, В.М.Матросов томонидан 1962 йили Ляпуновнинг вектор функцияси усули яратилган бўлиб, А.А.Мартынюк томонидан 1979 йили Ляпуновнинг матрица-функцияси усули яратилди.

Маълумки, Ляпунов функциясини қуриш алгоритми мавжуд эмас, бу хол мураккаб системалар учун Ляпунов функциясини танлашни қийинлаштиради. Содда системалар учун бундай қийинчилик былмайди. Юқорида айтилган хар иккала усулнинг мақсади мураккаб системалар учун танланадиган Ляпуновнинг скаляр функциясини қуришни қисман бўлса хам алогритмлашдан иборат. Бунда қаралаётган мураккаб система бир нечта содда қисм ситесмаларга декомпозиция қилинади, сўнгра хар бир қисм система учун Ляпуновнинг скаляр функцияси тузилиб, улар ёрдамида умумий система учун Ляпуновнинг скаляр функцияси тузилади. Ляпуновнинг матрица–функцияси усули Ляпуновнинг вектор–функцияси усулига қараганда умумийроқ бўлгани учун Ляпунов матрица-функцияси усулини кыриб чиқамиз.

Бу усулнинг мохияти қуйидагича: Аввал қаралаётган система декомпозиция қилиниб, унинг эркли қисм системалари ва бу эркин қисм системаларни ўзаро бо\ловчи фунциялар ажиратилади, яъни қаралаётган система

$$\dot{x}_i = f_i(x_i) + f_i^*(x) \qquad i = 1,2,..,s \qquad (1.20)$$

бу ерда $x^T=(x_1,x_2,..,x_s)$, $x_i \in R^{ni}$, $x \in R^n$, $n_1 + n_2 + \ldots + n_s = n$ кўринишга келтирилади ва бу системанинг $0 \in R^{n_i}$, $i = 1,\ldots,s$ холатлари учун $N_{ix} \subseteq R^{n_i}$ –очиқ боғланган атрофлар хамда x=0 нуқтанинг $N_x \subseteq N_{1x} \times N_{2x} \times \ldots \times N_{sx}$ боғланган атрофи мавжуд бўлсин деб оламиз.

$$\dot{x}_i = f_i(x_i), \qquad i = 1,2,..s \qquad (1.21)$$

тенгламалар эркин қисм системаларни, $f_i^*(x)$ фукциялар эса бу эркин қисм системалар орасидаги боғланишларни ифодалайди. Сўнгра (1.20) ва (1.21) системалар билан бирга қуйидаги матрица-функцияни қараймиз.

$$U(x) = \begin{bmatrix} v_{11}(x_1)\ v_{12}(x_1,x_2)\ v_{13}(x_1,x_3)\ldots\ldots\ldots v_{1s}(x_1,x_s) \\ v_{21}(x_1,x_2)\ \ v_{22}(x_2)\ \ v_{23}(x_2,x_3)\ldots\ldots v_{2s}(x_2,x_s) \\ \ldots\ldots\ldots\ \ \ldots\ldots\ldots\ \ \ldots\ldots\ldots\ \ \ldots\ldots\ldots\ldots \\ v_{s1}(x_s,x_1)\ \ v_{s2}(x_s,x_2)\ v_{s3}(x_s,x_3)\ \ldots\ldots v_{ss}(x_s) \end{bmatrix} \qquad (1.22)$$

бу ерда $v_{ij}(x_i,x_j) = v_{ji}(x_i,x_j)$ бўлиб, $v_{ii}(x_i)$ функциялар (1.21) эркин қисм системаларга қараб танланади. $v_{ij}(x_i,x_j)$ функциялар эса, $f_i^*(x)$ функцияларга қараб шундай танланадики, унда U(x) матрица-функция мусбат аниқланганлик шартларини қаноатлантиради.

Энди U(x) матрица-функция ва $\eta = (\eta_1,\eta_2,\ldots,\eta_s)$ ўзгармас вектор ёрдамида қуйидаги скаляр функцияни тузамиз.

$$V(x) = \eta^T U(x) \eta \qquad (1.23)$$

Бу скаляр функция мусбат аниқланган бўлиши учун U(x) матрица-функция элементларини қуйидаги шартларни қаноатлантирадиган қилиб танлаймиз.

$$a) \quad v_{ii}(x_i) \geq a_{ii}\|x_i\|^2, \quad \forall (t, x_i) \in \Im_0 \times N_{ix},\ i = 1,2,...s$$
$$\Im_0 = [0, +\infty]$$

$$(*)$$

$$b) \quad v_{ij}(x_i, x_j) \geq a_{ij}\|x_i\|\|x_j\|, \qquad \forall (t, x_i, x_j) \in \Im_0 \times N_{ix} \times N_{jx},$$
$$i, j = 1,2,...,s,\ i \neq j$$

Бу шартлар бажарилганда V(x) скаляр функция учун қуйидаги тенгсизлик ўринли бўлади.

$$V(x) \geq u^T H^T A H u \qquad (1.24)$$

бу ерда $u = (\|x_1\|, \|x_2\|, ..., \|x_s\|)^T, \quad H = diag(\eta_1, \eta_2, ..., \eta_s), \quad A = \left[a_{ij}\right]_{i,j=1}^{s}$

(1.24) тенгсизликдан кыринадики,V(x) функция мусбат аниқланган бўлиши учун A ўзгармас матрица мусбат аниқланган бўлиши етарли. Шундан сўнг U(x) матрица-функциянинг $v_{ij}(x_i, x_j)$ элементларидан (1.20) система ёрдмида хосилалар олиб, уларни юқоридан бахолаймиз. Фараз қилайлик улар қуйидагича бахоланган бўлсин.

$$a) \quad (D^+_{x_i} v_{ii}) f_i(x) \leq \rho_{1,i}\|x_i\|^2 + \sum_{\substack{j=1 \\ j \neq i}}^{s} \rho_{1,i,j}\|x_i\|\|x_j\|, \ \forall (x_i, x_j) \in N_{ix0} \times N_{jx0},\ \ i, j \in [1, s].$$

$$b) \quad (D^+ v_{ii})^T f_i^*(x) \leq \rho_{2,i}\|x_i\|^2 + \sum_{\substack{j=1 \\ j \neq i}}^{s} \rho_{2,i,j}\|x_i\|\|x_j\|, \quad \forall x_i \in N_{ix0},\ i \in [1, s],$$

$$c) \quad (D^+_{x_i} v_{ij})^T f_i(x) \leq \rho_{3,i}\|x_i\|^2 + \sum_{\substack{j=1 \\ j \neq i}}^{s} \rho_{3,i,j}\|x_i\|\|x_j\| + \rho_{4,j}\|x_j\|^2, \ \forall (x_i, x_j) \in N_{ix0} \times N_{jx0},\ i, j \in [1, s],\ i < j.$$

$$d) \quad (D^+_{x_i} v_{ij})^T f_i^*(x) \leq \rho_{5,i}\|x_i\|^2 + \sum_{\substack{j=1 \\ i \neq j}}^{s} \rho_{4,i,j}\|x_i\|\|x_j\| + \rho_{6,j}\|x_j\|^2, \ \forall x_i \in N_{ix0},\ i, j \in [1, s],\ i < j.$$

$$e) \quad (D^+_{x_j} v_{ij})^T f_i(x) \leq \rho_{7,i}\|x_i\|^2 + \sum_{\substack{j=1 \\ j \neq i}}^{s} \rho_{5,i,j}\|x_i\|\|x_j\| + \rho_{8,j}\|x_j\|^2, \forall (x_i, x_j) \in N_{ix0} \times N_{jx0},\ i, j \in [1, s],\ i < j$$

$$f) \quad (D^+_{x_j} v_{ij})^T f_i^*(x) \leq \rho_{9,i}\|x_i\|^2 + \sum_{\substack{j=1 \\ i \neq j}}^{s} \rho_{6,i,j}\|x_i\|\|x_j\| + \rho_{10,j}\|x_j\|^2, \forall x_i \in N_{ix0},\ i, j \in [1, s],\ i < j.$$

(1,24) скаляр функциядан (1,20) система ёрдамида юқоридаги тенгсизликларни қаноатлантирувчи хосила учун қуйидаги тенгсизлик хосил бўлади.

$$\dot{V}(x) \leq u^T G u \qquad (1.25)$$

бу ерда

$$G=\left[g_{i,j}\right]_{i,j=1}^{s},\quad g_{i,j}=g_{i,j}.$$

$$g_{ii}=[\eta_i^2(\rho_{1,i}+\rho_{2,i})+2\sum_{\substack{j=1\\ i<j}}^{s}\eta_i\eta_j(\rho_{3,i}+\rho_{4,j}+\rho_{5,i}+\rho_{6,j}+\rho_{7,i}+\rho_{8,j}+\rho_{9,i}+\rho_{10,j})].$$

$$g_{ij}=\frac{1}{2}\eta_i^2(\rho_{1,i,j}+\rho_{2,i,j})+\eta_i\eta_j(\rho_{3,i,j}+\rho_{4,i,j}+\rho_{5,i,j}+\rho_{6,i,j})$$

(1.25) тенгсизликдан кыринадики, $\dot{V}(x)$ хосила манфий аниқланган бўлиши учун G-ўзгармас матрицани манфий аниқланган бўлиши етарли.

Юқоридагиларга асосланиб қуйидаги теоремани келтирамиз.

Теорема 1.5. Агар (1.20) система учун элементлари (∗) шартларни қаноатлантирувчи U(x) матрица–функция мавжуд бўлиб, қуйидаги шартлар бажарилса

1. A-матрица мусбат аниқланган.
2. G- матрица ярим манфий аниқланган.

У холда (1.20) системанинг x=0 ечими (тойимаган харакат) турғун бўлади.

Исбот: $\eta^T=(\eta_1,\eta_2,...,\eta_s)$ вектор ёрдамида (1,22) матрица–функциядан (1,24) тенгсизликни қаноатлантирувчи (1,23) скаляр функцияни тузамиз. Бу скаляр функция хосиласи учун (1,25) бахолашни хосил қиламиз. (1,24) тенгсизликдан ва A матрицанинг мусбат аниқланганлигидан (1,23) функциянинг мусбат аниқланганлиги хосил бўлади, (1,25) бахолашдан ва G матрицанинг ярим манфий аниқланганлигидан эса (1,24) скаляр функциядан (1,20) система ёрдамида олинган хосила манфий аниқланган ёки айнан нолга тенг бўлади. Бу шартлар эса система мувозанат холатининг турғун бўлиши учун етарли.

Теорема 1.6. Агар (1.20) система учун элементлари (∗) шартларни қаноатлантирувчи U(x) матрица – функция мавжуд бўлиб, қуйидаги шартлар бажарилса

3. A-матрица мусбат аниқланган.
4. G- матрица манфий аниқланган.

У холда (1.20) системанинг x=0 ечими (тойимаган харакат) асимптотик турғун бўлади.

Исбот: $\eta^T=(\eta_1,\eta_2,...,\eta_s)$ вектор ёрдамида (1,22) матрица–функциядан (1,24) тенгсизликни қаноатлантирувчи (1,23) скаляр функцияни тузамиз. Бу скаляр функция хосиласи учун (1,25) бахолашни хосил қиламиз. (1,24) тенгсизликдан ва A матрицанинг мусбат аниқланганлигидан (1,23) функциянинг мусбат аниқланганлиги хосил бўлади, (1,25) бахолашдан ва G матрицанинг манфий аниқланганлигидан эса (1,24) скаляр функциядан (1,20) система ёрдамида олинган хосила манфий аниқланган бўлади. Бу шартлар эса система мувозанат холатининг асимптотик турғун бўлиши учун етарли.

Мисол 1.9.

Иккинчи тартибли иккита қисм системалардан тузилган тўртинчи тартибли системани қараймиз.

$$\frac{dx_1}{dt}=\begin{pmatrix}-1 & 0{,}5\\ -0{,}5 & -2\end{pmatrix}x_1+\begin{pmatrix}0{,}5 & 1\\ -1 & 0{,}5\end{pmatrix}x_2$$

$$\frac{dx_2}{dt}=\begin{pmatrix}-2 & -1\\ 0{,}5 & -3\end{pmatrix}x_2+\begin{pmatrix}0{,}1 & -1\\ 1 & 0{,}1\end{pmatrix}x_1,\quad x_i\in R^2,\ i=1{,}2$$

Берилган система учун элементлари қуйидагича бўлган матрица-функцияни тузамиз.

$$v_{ii}(x_i) = x_i^T diag\{2,2\} x_i,\ i = 1,2, \quad v_{12} = (x_1, x_2) = v_{21}(x_2, x_1) = x_i^T diag\{0{,}1, 0{,}1\} x_2$$

Бу функция учун қуйидагилар ўринли бўлади.

$$v_{ii}(x_i) \geq 2\|x_i\|^2 \quad \forall x_i \in N_{ix_0},\ i = 1,2; \quad v_{12}(x_1, x_2) \geq -0{,}1\|x_1\|\|x_2\| \quad \forall (x_1, x_2) \in N_{1x_0} \times N_{2x_0}$$

Агар $\eta^T = (1,1)$ бўлса, у холда A матрицанинг кўриниши

$$A = \begin{pmatrix} 2 & -0{,}1 \\ -0{,}1 & 2 \end{pmatrix}$$

каби бўлиб, у мусбат аниқланган бўлади. G матрица элементлари эса

$$g_{11} = -2, \quad g_{22} = -3{,}59, \quad g_{12} = 0{,}214$$

кыринишида бўлади. G матрицанинг бундек элементларидан қуйидагига эга бўламиз.

$$G = \begin{pmatrix} -2 & 0{,}214 \\ 0{,}214 & -3{,}59 \end{pmatrix}$$

G матрица манфий аниқланганлигидан системанинг x=0 мувозанат холати асимптотик турғун бўлади.

Мисол 1.10. Қуйидаги йирик масштабли системани қараймиз

$$\frac{dx}{dt} = A_1 x + A_2 y + A_3 z$$
$$\frac{dy}{dt} = B_1 x + B_2 y + B_3 z$$
$$\frac{dz}{dt} = C_1 x + C_2 y + C_3 z$$

бу ерда

$x \in R^{n_1}, \quad y \in R^{n_2}, \quad z \in R^{n_3},\ n_1 + n_2 + n_3 = n,\ A_1, A_2, A_3, B_1, B_2, B_3, C_1, C_2, C_3 -$ ўзгармас матрицалар. Бу системага мос эркин қисм системалар қуйидагича бўлади

$$\frac{dx}{dt} = A_1 x$$
$$\frac{dy}{dt} = B_2 y$$
$$\frac{dz}{dt} = C_3 z$$

Элементлари қуйидаги кўринишда бўлган $U(z, y, z) = [v_{ij}(\cdot)],\ i, j = 1,2,3$

матрица-функцияни тузамиз

$$\begin{gathered} v_{11}(x) = x^T P_{11} x, \quad v_{22}(x) = y^T P_{22} y, \quad v_{33}(x) = z^T P_{33} z,\ v_{12}(x, y) = v_{21}(x, y) = x^T P_{12} y, \\ v_{13}(x, z) = v_{31}(x, z) = x^T P_{13} z,\ v_{23}(y, z) = v_{32}(y, z) = y^T P_{23} z \end{gathered} \qquad (*)$$

бу ерда $P_{ii},\ i = 1,2,3 -$ мусбат аниқланган симметрик матрица, $P_{12},\ P_{13},\ P_{23} -$ ўзгармас матрицалар.

$(*)$ функциялар учун қуйидагилар ўринли бўлади.

